Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 15 август, № 166 (9337) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ЯНГИ БОСҚИЧДА ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 август куни суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг натижалари ва соҳадаги устувор вазифаларни муҳокама қилиш юзасидан суд тизими раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Мулоқотда судлар фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантиришга қаратилган “Одил судлов — 2030” стратегияси лойиҳаси тақдимот қилинди.

Сўнгги йилларда суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш ва одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Шу билан бирга, аҳоли мурожаатлари ва суд амалиёти таҳлили тизимда ечимини кутаётган масалалар мавжудлигини кўрсатди.

Шу муносабат билан ислоҳотлар натижаси, аввало, фуқаронинг судга ортиқча оворагарчиликсиз мурожаат қилиши, бузилган ҳуқуқи ўз вақтида тикланиши ва қабул қилинган қарорнинг адолатли эканига ишонч ҳосил қилишида намоён бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

“Одил судлов — 2030” стратегияси аҳолининг таклифлари, олимлар, амалиётчи юристлар ва адвокатлар билан мулоқотлар, шунингдек, илғор хорижий тажриба асосида ишлаб чиқилган. Стратегияда 57 та вазифа, уни амалга ошириш бўйича 2026 — 2028 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар дастурида 160 та аниқ чора-тадбир ҳамда 2030 йилга қадар эришилиши лозим бўлган 33 та мақсад белгиланган.

Жумладан, қуйи судлар қарорларини қайта кўриб чиқиш холислигини ошириш мақсадида 2027 йил 1 июлдан 5 та ҳудудлараро суд ташкил этилади. Вилоят судларида апелляция ва кассация инстанциялари сақланиб, тафтиш инстанциясининг ваколатлари ҳудудлараро судларга берилади. Бу бир суднинг ўз қарорини ўзи қайта кўриб чиқиши амалиётига чек қўяди ва фуқароларнинг адолат излаб пойтахтга бориш заруратини камайтиради.

Кундалик ҳаётий муаммоларни ҳал этувчи, одамларнинг иши кўпроқ тушадиган судлар фуқаролик ишлари бўйича судлар эканлигини инобатга олиб, уларни халққа яқинлаштириш мақсадида 2030 йилга қадар заруратга қараб қарийб барча туман ва шаҳарларда фуқаролик судларининг фаолияти босқичма-босқич йўлга қўйилади. Барча судларда ахборот олиш, мурожаат топшириш ва рақамли хизматлардан фойдаланиш “ягона дарча” тамойили асосида таъминланади.

Судга берилган ариза бошқа судга тегишли бўлса, у фуқарога қайтарилмайди, суднинг ўзи уни тегишли судга юборади. Аризада жузъий камчилик аниқланган тақдирда суд уни бартараф этишда фуқарога фаол кўмаклашади.

Иқтисодий низоларни тезкор ҳал этиш учун “иқтисодий ишларни проактив бошқариш” стандарти жорий этилади. Бу тадбиркорларнинг идорама-идора сарсон бўлиши ва ҳужжатларни қайта-қайта топширишига чек қўяди.

Инсон эрки — олий қадрият эканлигидан келиб чиқиб тергов, суриштирув босқичида инсон ҳуқуқлари кафолатларини кучайтириш учун “асосли гумон” (prima facie) стандарти жорий этилади. Тергов судьяси санкция бериш масаласини кўриб чиқишда шахсни ушлаб туришнинг қонунийлиги, гумон ёки айблов учун асослар етарлилигини текшириш ва зарур қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш имконига эга бўлади. Бу эса шахснинг эркинлиги асоссиз чекланишининг олдини олади.

Ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида Олий суд Раёсати қарорларини қамраб оладиган очиқ “Прецедентлар реестри” юритилади.

Судьяларни одил судловга дахлдор бўлмаган ташкилий вазифалардан озод этиш учун 2028 йилдан “суд маъмурчилиги” институти жорий этилади.

“Рақамли суд” концепцияси барча судларда тўлақонли ишга туширилиб, my.sud.uz портали ва унинг мобиль иловаси такомиллаштирилади. Судларга мурожаатларнинг камида 50 фоизини электрон шаклда бериш, суд мажлисларининг 100 фоизини аудиоёзув орқали қайд этиш ва Олий суд ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг сонини камида 5 баравар ошириш режалаштирилган.

Шунингдек, медиация ва ярашув механизмларини кенгайтириш, ноқонуний деб топилган маъмурий ҳужжатларнинг очиқ реестри юритишни қамраб олиш, “халқ вакиллари ҳайъати” иштирокида кўриладиган жиноят турлари сонини камида 3 тага етказиш мақсад қилинган.

Тақдимотда суд аппарати ходимлари учун махсус хизмат кийими намунаси ҳам кўриб чиқилди. Бу фуқароларга суд ходимларини осон таниб олиш, уларнинг касбий масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Учрашувда конституциявий суд ишларини юритишни янада такомиллаштириш, судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, суд мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда тизимдаги кадрларнинг хорижда малакасини ошириш бўйича таклифлар ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари стратегия лойиҳасини маъқуллаб, унда назарда тутилган ислоҳотларни рўёбга чиқаришга қаратилган тегишли фармонни имзолади.

ЎзА.

Мустақил Ўзбекистон — 35 йиллик тараққиёт йўли:

ИСЛОҲОТЛАР, НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР





Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан “Мустақил Ўзбекистон — 35 йиллик тараққиёт йўли: ислоҳотлар, натижалар ва истиқболлар” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуман Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ташаббуси билан Адлия вазирлиги, Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти ҳамда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Конференция

Конференцияда Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, шунингдек, Беларусь, Грузия, Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон, Туркия ва Қирғизистон парламентлари аъзолари, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, экспертлар ҳамжамияти ҳамда илмий доиралар вакиллари қатнашди.

Конференция мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг давлатчилик ва тараққиёт тажрибасини, барча соҳаларда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижаларини муҳокама этиш ҳамда мамлакат тараққиётининг кейинги босқичи юзасидан халқаро ва парламентлараро мулоқотни ривожлантиришга бағишланди.

2

ҲУДУДЛАРДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

Бугунги кунда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиши, аҳолини қийнаётган муаммоларни жойида ўрганиши ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича амалий чоралар кўриши муҳим аҳамият касб этади. Зеро, улар фаолиятининг натижадорлиги, аввало, халқ билан қанчалик яқин ва самарали иш олиб борилаётгани билан белгиланади.

Сенатор ва ҳаёт

Шу нуқтаи назардан, Олий Мажлис Сенати аъзоси Гулнора Маъруфованинг Миробод ҳамда Чилонзор туманларида бўлиб, аҳоли билан ўтказган учрашуви ва ўрганишлари ҳам ана шундай амалий аҳамиятга эга.

Дастлаб “Долзарб 40 кунлик” тадбирлари доирасида Миробод туманидаги Салор ва Фаровон маҳаллалари ҳудудида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижроси, аҳоли учун яратилаётган шароитлар ҳамда мавжуд муаммолар жойида ўрганилди. Салор маҳалласида “маҳалла еттилиги” вакиллари, аҳоли ва халқ депутатлари Миробод тумани Кенгаши депутатлари билан учрашиб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, бандликни таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари билан танишилди.

Қайд этилганидек, ушбу маҳаллада 5 258 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда 380 та тадбиркорлик объекти, хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган 780 та хонадон ва 35 та хизмат кўрсатиш шохобчаси мавжуд.

3

Дунё нигоҳи

Жильбер Ф. УНГБО:

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЮКСАК ҚАДРЛАЙДИ

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) бош директори Жильбер Ф. Унгбо мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида “Дунё” АА орқали юртдошларимизга ўзининг самимий табриги ва эзгу тилакларини йўллади.

— Ўзбекистон халқини, жумладан, жаноб Президент Шавкат Мирзиёевни мамлакат мустақиллигининг ўттиз беш йиллиги муносабати билан самимий табриклайман.

Ушбу шонли сана ўзбек халқининг қатъияти, матонати ва ютуқларини эътироф этиш, тинчлик, фаровонлик ва ижтимоий адолатга асосланган келажакка ишонч билан назар ташлаш имконини беради. Зеро, ижтимоий адолатсиз мустаҳкам тинчлик бўлиши мумкин эмас. Бир асрдан ортиқ вақтдан буён Халқаро меҳнат ташкилоти амал қилиб келаётган эътиқод ва асосий вазифа ҳам айнан шундан иборат.

Жорий йил Янги Ўзбекистон концепцияси доирасида ислоҳотлар бошланганига ўн йил бўлмоқда. Ўзбекистон Президенти бошчилигида мамлакатда иқтисодиётни модернизация қилиш, инсон қадр-қимматини юксалтириш, фуқаролар фаровонлигини юксалтириш борасида улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Халқ учун муносиб меҳнат тамойилларини илгари суришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар дастури бажарилмоқда.

3

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН МУНОСАБАТЛАР



Сўнгги йилларда парламентлараро мулоқот ва ўзаро ташрифлар изчил фаоллашиб бормоқда. Жорий йилнинг апрель ойида Ўзбекистон ва Туркия парламентлараро муносабатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Туркия Республикаси Буюк Миллат Мажлиси ўртасида 2026 — 2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик бўйича “Йўл харитаси” имзоланган эди.

Йиғилиш

Куни кеча Олий Мажлис Сенатида “Ўзбекистон — Туркия” ва “Туркия — Ўзбекистон” парламентлараро ҳамкорлик гуруҳларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳамда 2026 — 2027 йилларга мўлжалланган шериклик бўйича “Йўл харитаси” ижросини таъминлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва ишончга асосланган ўзаро муносабатлари натижасида Ўзбекистон ҳамда Туркия ўртасидаги ҳамкорлик кенг қамровли стратегик шериклик даражасига кўтарилгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, қўшма тадбирлар ва ташрифларни ташкил этиш, қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назоратини самарадорлигини ошириш, Туркия Республикаси Буюк Миллат Мажлиси раҳбариятининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш, Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Парламентлараро Иттифоқ Ёш парламент аъзоларининг XII глобал конференциясида туркиялик ёш парламент аъзолари иштирокини таъминлашга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Парламент дипломатияси

ГЛОБАЛ СИЁСИЙ МУЛОҚОТНИНГ МУНОСИБ ДАВОМЧИЛАРИ

Навқирон авлодга фақат меҳнат бозорини шакллантирувчи, моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи ва миллат давомийлигини таъминловчи куч эмас, балки давлат бошқарувида муҳим бўғин сифатида қараш жуда муҳим. Бугун дунёда давлатларнинг барқарор тараққиёти иқтисодий кўрсаткичлар билан бирга инсон капитали, ёшларнинг билими ва фаоллиги, жамият ва давлат бошқарувидаги иштироки билан ҳам белгиланмоқда. Шу маънода, йигит-қизларнинг сиёсий жараёнларда қатнашуви, уларнинг овози ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш замонавий парламентаризмнинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Ана шундай тарихий воқеликлар фонида 2026 йил 4 — 6 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Парламентлараро Иттифоқ Ёш парламент аъзоларининг XII глобал конференцияси ўтказилиши мамлакатимиз учун катта сиёсий аҳамиятга эга.

Бу халқаро анжуманнинг Ўзбекистонда ташкил этилиши, аввало, мамлакатимизнинг очиқ, конструктив ва тинчликпарвар ташқи сиёсатига юксак ишончнинг ифодасидир. Шу билан бирга, бу миллий парламентимизнинг халқаро парламент дипломатиясидаги нуфузи ошиб бораётганининг яна бир ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Парламентлараро Иттифоқнинг 2025 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган 150-юбилей ассамблеясидаги нутқида ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокига алоҳида эътибор қаратиб, уларни миллий парламентлар ва Парламентлараро Иттифоқ фаолиятига кенг жалб қилиш муҳимлигини таъкидлаган эди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур ташаббуси ёшлар парламентаризмини ривожлантириш борасида Ўзбекистон тажрибасининг халқаро майдонда эътироф этилаётганини кўрсатади.

Шу ўринда Олий Мажлис Сенати ва Парламентлараро Иттифоқ ўртасида имзоланган келишув асосида мазкур конференциянинг Самарқандда ўтказилиши мамлакатимиз парламенти зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки бу анжуман нафақат фикр ва тажриба алмашиш майдони, балки ёш авлод сиёсий етакчиларини бирлаштирадиган, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлайдиган муҳим глобал платформа вазифасини бажаради.

Сўнгги йилларда парламент дипломатияси халқаро муносабатларнинг муҳим институционал механизмларидан бири сифатида шаклланди.

3

Нуқтаи назар

ЗАМОНАВИЙ ВА РАҚОБАТДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган стратегик дастурларда тадқиқотлар сифатини ошириш, халқаро илмий ҳамжамиятга интеграциялашув ҳамда илмий ишланмаларни иқтисодиётнинг реал секторига жорий қилиш олий таълим муассасаларининг устувор вазифалари этиб белгиланган.

Наманган давлат университети жамоаси мазкур трансформация жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатлари, меҳнат бозори эҳтиёжлари ҳамда ёшларнинг касбларга қизиқишидан келиб чиқиб замонавий ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш йўлида изчил ва тизимли равишда ҳаракат қилаётир.

Жумладан, 2025/2026 ўқув йили давомида таълим жараёнини амалдаги қонунчилигимиз, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда давлат таълим стандартлари талаблари асосида ташкил этиш, таълим сифатини ошириш, кредит-модуль тизимини янада такомиллаштириш ҳамда ўқув-услубий ҳужжатларни замонавий талаблар асосида янгилаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

4

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2026 йил 15 август

Мустақил Ўзбекистон — 35 йиллик тараққиёт йўли:

ИСЛОҲОТЛАР, НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР





Юнус БЎРИЕВ олган суратлар.

1 Конференцияни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов кириш сўзи билан очиб, Янги Ўзбекистон сўнгги 10 йилда демократик ўзгаришлар, жадал иқтисодий ривожланиш ва кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатига айланганини, давлат раҳбарининг бевосита ташаббуси ва ғоялари асосида қабул қилинган ва мамлакатимизни ривожлантиришнинг янгича модели ҳисобланган Ҳаракатлар стратегияси, Тараққиёт стратегияси ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ижроси доирасида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини қайд этди.

Таъкидланганидек, Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган парламент дипломатияси сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Кейинги ўн йилда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари, Озарбайжон, Беларусь, Грузия, Россия, Туркия парламентлари билан алоқалари динамикаси мунтазам ўсиб борди. Қонунчилик палатасининг қардош давлатлар парламентлари билан “дўстлик гуруҳ”ларининг мақоми оширилди. Ўзаро самарали ташрифлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Халқаро майдонларда ҳамфикрлилик ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш руҳи, умумминтақавий ўзига хослик шаклланмоқда.

Ўзбекистон вакиллари дунёдаги энг нуфузли халқаро парламент ташкилотлари бўлган Парламентлараро Иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси, Осиё Парламентлари Ассамблеяси, Марказий Осиё парламентлари форуми ва бошқа платформаларда фаол иштирок этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрида Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеяси муваффақиятли ўтказилди. Бу Ўзбекистоннинг глобал парламентлар мулоқоти марказларидан бири сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётганининг ёрқин ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари чет мамлакатларга ташрифлари давомида хорижий давлатлар парламентлари раҳбарлари билан ҳам учрашувлар ўтказмоқда. Бу парламент дипломатиясига Президент даражасида берилаётган сиёсий эътиборнинг яққол намунаси бўлиб, у давлатлараро муносабатларнинг муҳим дипломатик механизмига айланмоқда.

Конференция ишида нутқ сўзлаган Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева сўнгги ўн йилликда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган туб ислоҳотлар давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасида янги ёндашувларни шакллантирганини таъкидлади.

Конференциянинг марказий муҳокамаларида конституциявий модернизация, парламентаризмни ривожлантириш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, давлат бошқарувини инсон манфаатларига хизмат қилиш тамойили асосида янада такомиллаштириш, тарихий-маданий меросни асраш, барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш ҳамда халқаро ва парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўзаро уйғун ҳолда кўриб чиқилди.

Муҳокамаларда айтилганидек, мамлакатимизнинг 35 йиллик тараққиёт йўли ўзаро боғлиқ институционал модернизация жараёни сифатида давлат, ҳуқуқ ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олди. Айниқса, сўнгги ўн йилликда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита раҳбарлигида Янги Ўзбекистон ғояси асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қадр-қиммати, фаровонлиги ҳамда ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш имкониятларини таъминлашга йўналтирилган янги оширишда икки палатали парламент институти имкониятларидан самарали фойдаланиш, ҳудудлар, маҳаллий вакиллик органлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва фуқаролик жамияти билан мулоқотни кенгайтириш муҳим вазифалар сифатида айтилди.

Иқтисодий йўналишдаги муҳокамаларда таркибий ислоҳотлар натижасида иқтисодий ўсиш, инвестиция фаоллиги, хусусий сектор ва ташқи савдо имкониятларининг кенгайиб бораётгани қайд этилди. Хусусан, 2025 йил якунига кўра ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 147 миллиард АҚШ долларидан ошгани, кейинги йилларда иқтисодиётга 150 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар жалб этилгани, ташқи савдо айланмаси 81,17 миллиард долларга етгани самарали иқтисодий сиёсат натижаси ўлароқ конференция иштирокчилари томонидан юқори баҳоланди.

Ижтимоий соҳада инсон қадри ва инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган ёндашувлар ҳам алоҳида эътироф этилди. Ўтган даврда 8,5 миллион нафар эҳтиёжманд аҳолининг даромадлари оширилгани, мамлакатда камбағаллик даражаси 35 фоиздан 5,8 фоизга туширилгани, 2025 йилда қурилган уй-жойлар сони 238 мингта хонадонга етгани қайд этилди. Таълим соҳасида мактабгача таълим қамрови 78 фоиз, олий таълим билан қамров даражаси эса 44 фоизга етгани мамлакат инсон капиталига инвестицияларнинг кенгайиб бораётганини кўрсатиши алоҳида таъкидланди.

Экологик барқарорлик ва “яшил” иқтисодиёт масалалари ҳам конференция кун тартибининг муҳим қисми бўлди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида қарийб 1 миллиард туп дарахт ва бута экилгани, Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектардан ортиқ майдонда ўрмонзорлар барпо қилинаётгани ҳамда қайта тикланувчи энергиянинг ишлаб чиқаришдаги улуши қарийб 45 фоизга етгани қайд этилди.

Конференциянинг халқаро парламентлараро мулоқот қисмида парламент дипломатиясининг ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашинувини ривожлантириш ва умумий минтақавий ҳамда глобал чақириқларга биргаликда жавоб излашдаги амалий аҳамияти таъкидланди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва амалий ҳамкорлик муҳитини шакллантиришдаги роли алоҳида эътироф этилди.

Шунингдек, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, саноат кооперацияси, “яшил” технологиялар, инновациялар, таълим ва инсон капитали соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш узоқ муддатли шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши урғуланди. Бу жараёнларда парламентларнинг қонунчилик ва парламентлараро ҳамкорлик механизмларидан фаол фойдаланиши муҳим экани айтилди.

Конференция якунида ялпи муҳокамалар ва тематик шуъбаларда баён этилган ёндашувлар асосида қатор хулосалар шакллантирилди. Хусусан, ислоҳотлар самарадорлигини нафақат қабул қилинган қарорлар, балки уларнинг инсон ҳаёти, бизнес муҳити, таълим, давлат хизматлари сифати ҳамда ҳудудлар ривожига бевосита таъсири орқали баҳолаш муҳимлиги таъкидланди.

Иштирокчилар давлат бошқаруви, қонунчилик, иқтисодиёт, инсон капитали ва ижтимоий сиёсат, экологик барқарорлик ва халқаро ҳамкорликни ягона ва ўзаро боғлиқ тараққиётнинг узвий қисмлари сифатида кўриш зарурлигини қайд этди. Бундай комплекс ёндашув ислоҳотларни барқарор ва узоқ муддатли натижаларга айлантириш имконини бериши таъкидлаб ўтилди.

Анжуман Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт тажрибасини халқаро ва экспертлик нуқтаи назаридан муҳокама қилиш билан бирга, ислоҳотларни амалга оширишда парламент олдида турган долзарб вазифалар ҳамда халқаро ҳамкорликнинг янги босқичларини белгилашда муҳим мулоқот майдони бўлди.

Иштирокчилар Янги Ўзбекистонда кечаётган янгиланиш жараёнларини изчил давом эттириш, илғор халқаро тажрибани кенг қўллаш, парламентлараро ва экспертлик мулоқотини янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Конференция якунида мамлакатлар тараққиёти йўлида парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган мулоқотни мустаҳкамлаш, қонунчилик тажрибаси алмашинувини кенгайтириш ҳамда қўшма ташаббусларни илгари суришга қаратилган Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Сўз — анжуман иштирокчиларига

Сабине МАХЛ,
БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги Доимий координатори:



— Сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда инсон қадри ва манфаатларини ислоҳотларнинг марказига қўйишга қаратилган кенг кўламли ўзгаришларни алоҳида эътироф этиш лозим. Мамлакатда иқтисодий янгиланишларни ижтимоий тараққиёт, самарали давлат институтлари ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш билан уйғун олиб боришга интилиш кўзга яққол ташланмоқда.

Аслида Барқарор ривожланиш мақсадларининг асосий мантиғи ҳам шундан иборат. Улар иқтисодий трансформация, ижтимоий тараққиёт ва экологик барқарорликни, шунингдек, самарали институтлар ҳамда инсон ҳуқуқларини ўзаро боғлиқ ҳолда таъминлашни назарда тутади.

Ўзбекистон мазкур йўналишларнинг барчасида салмоқли натижаларга эришди. Ўтган йилги Барқарор ривожланиш ҳисоботида Ўзбекистон 167 та мамлакат орасида 62-ўринни эгаллаб, ушбу рейтингда 19 поғона юқорилади.

Мамлакатда олиб борилаётган инсон қадри ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар натижасида камбағаллик даражаси 5,8 фоизгача қисқарди.

Азер АМИРАСЛАНОВ,
Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Иқтисодий сиёсат, саноат ва тадбиркорлик қўмитаси раиси:



— Озарбайжон учун Ўзбекистон нафақат дўст давлат ва стратегик ҳамкор, балки умумий тарих, маданий яқинлик, муштарак мерос ҳамда қадриятлар, ўзаро ҳурмат ришталари билан боғланган қардош мамлакатдир. Қисқа давр мобайнида мамлакатларимиз анъанавий дўстликдан стратегик шерикликка, ундан эса иттифоқчилик муносабатларигача бўлган муҳим йўлни босиб ўтди.

Ушбу жараёнда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган муносабатлар алоҳида ўрин тутади. Давлатлар раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли икки томонлама ҳамкорлик сифат жиҳатдан мутлақо янги босқичга кўтарилди.

Юксак савияда ташкил этилган мазкур халқаро илмий-амалий конференция муносабатларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ўзига хос мулоқот майдони бўлди.

Людмила САПЕГО,
Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика Кенгаши аъзоси:



— Ўзбекистон замонавий тараққиётнинг тамомила янги даврида яшамоқда. Мамлакатингизда модернизация жараёнлари жуда самарали кечмоқда ва у инсон манфаатларига йўналтирилгани учун халқаро эътироф-га сазовор бўлмоқда.

Биз ўзбек дўстларимизнинг муваффақиятларидан чин дилдан хурсандмиз. Ўзбекистон Беларусь учун дўст ҳамда руҳан яқин мамлакатдир. Мамлакатларимиз ўртасидаги ишончли мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, аввало, давлатларимиз раҳбарларининг оқилона сиёсати туфайли мустаҳкамланиб бормоқда.

2026 йил июль ойида Ўзбекистон Президентининг Беларусга ташрифи чоғида икки давлат ўртасида стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги декларация имзоланган тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлди.

Бугун парламентлараро ҳамкорлик ҳам янги босқичга кўтарилган. Дўстлик гуруҳлари билан бир қаторда икки мамлакат парламентларининг юқори палаталари ўртасида парламентлараро комиссия ташкил этилган. У олий даражада эришилган келишувларнинг амалга оширилиши устидан парламент мониторингини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Леван МАЧАВАРИАНИ,
Грузия Парламенти депутати, «Грузия — Ўзбекистон» парламентлараро дўстлик гуруҳи раҳбари:



— Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларимиз стратегик шериклик даражасига кўтарилгани биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу Грузия ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ишонч, дўстлик ҳамда манфаатли ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдевори мавжудлигини кўрсатади. Мамлакатларимизни умумий манфаатларга хизмат қилувчи муҳим ташаббуслар ҳам бирлаштириб туради. Жумладан, Ўрта коридорни ривожлантириш қитъалараро боғлиқликни кенгайтириш, энергетик хавфсизликни мустаҳкамлаш ва мамлакатларимиз учун янги иқтисодий имкониятлар яратишда катта салоҳиятга эга.

Бу жараёнларда парламентларнинг ўрни беқиёс. Парламент дипломатияси сиёсий келишувларни амалий ва узоқ муддатли ҳамкорликка айлантиришга хизмат қилади. Ишонаманки, Грузия ва Ўзбекистон парламентлари ўртасидаги фаол мулоқот ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади.

Халқаро конференциядан жуда катта ва муҳим таассуротлар олдик. Ушбу нуфузли тадбир, ўйлайманки, ўз вақтида ташкил этилди. Зотан, давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини янги босқичда ривожлантиришда, албатта, парламентлараро глобал мулоқотлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Салтанат АМАНОВА,
Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеши Илм-фан, таълим, инновацион ривожлантириш ва ахборот технологиялари, маданият, спорт ҳамда ёшлар ишлари бўйича қўмитаси раиси ўринбосари:



— Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни юксак мамнуният билан қайд этамиз. Айниқса, сўнгги йиллардаги ислоҳотлар мамлакат тараққиётида мутлақо янги босқични бошлаб берди. Ушбу янгиланишлар очиқлик, самарали давлат бошқаруви, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш каби муҳим тамойилларга асосланмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Марказий Осиёдаги иқтисодий ўсишнинг муҳим марказларидан бирига айланди. Саноат, транспорт инфратузилмаси, рақамли иқтисодиёт ва инсон капиталини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар изчил амалга оширилмоқда. Узоқ муддатли “Ўзбекистон — 2030” стратегияси эса мамлакатнинг келгуси тараққиёти учун аниқ ва устувор йўналишларни белгилаб бермоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг бугунги ютуқлари нафақат мамлакатнинг ўзи, балки бутун минтақа учун улкан аҳамият касб этади. Кучли, барқарор ва фаровон Ўзбекистон — Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг муҳим омили.

Қирғизистон ва Ўзбекистон шунчаки қўшни давлатлар эмас, балки тарихи, тақдири ва маънавий қадриятлари муштарак бўлган қардош мамлакатлардир. Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги муносабатлар мамлакатларимиз раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси, ўзаро ишончи ва яқин дўстона мулоқоти туфайли ўз тараққиётининг энг юксак босқичига кўтарилди.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил 30 июль куни Қирғиз Республикасига амалга оширган давлат ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида яна бир муҳим ва том маънода тарихий воқеа бўлиб, қирғиз — ўзбек алоқаларини ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди.

Айнан икки давлат Президентларининг сиёсий иродаси туфайли ўзаро ҳамкорлигимиз сифат жиҳатдан янги даражага — иттифоқчилик муносабатлари босқичига кўтарилди.

Гулзода Маҳмадшоҳ ҚУРБОНАЛИ,
Тожикистон Республикаси Мажлиси Оли Мажлиси намояндагон Халқаро ишлар, жамоат бирлашмалари ва ахборот қўмитаси раиси:



— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакат давлат тараққиёти тарихида янги саҳифа очган кенг кўламли ислоҳотлар дастурларини изчил ва ишончли амалга оширмоқда. Модернизация, очиқлик ва конструктив халқаро ҳамкорликка қаратилган сиёсат нафақат мамлакат ички тараққиётига кучли суръат бағишлади, балки Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеини ҳам сезиларли даражада мустаҳкамлади.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон ўзаро ҳурмат, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли шериклик тамойилларига асосланган очиқ, прагматик ҳамда конструктив ташқи сиёсат олиб бораётган давлат сифатида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бормоқда.

Мазкур конференция доирасида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида ташкил қилинган Янги Ўзбекистоннинг шонли тараққиёт йўли, улкан ислоҳотлари ва салмоқли ютуқларини ўзида мужассам этган фотоэкспозиция билан ҳам танишиш бизда катта таассурот қолдирди. Ушбу кўргазма орқали Янги Ўзбекистоннинг бугунги қиёфаси ва ёруғ истиқболига назар ташлаш имконига эга бўлдик.

Давлатингиз раҳбарининг ислом цивилизацияси меросини чуқур ўрганиш ва уни жаҳон миқёсида тарғиб қилишга қаратилган оқилона сиёсатини юксак эътироф этамиз. Айниқса, мажмуадаги нодир қўлёзмалар, тарихий манбалар, ноёб экспонатлар ҳамда замонавий мультимедиа воситалари орқали бой тарихингизнинг турли даврлари бир бутун маърифий манзара сифатида намоён этилгани бизда катта қизиқиш уйғотди.

Мердан ТУВАКОВ,
Туркманистон Межлиси Халқаро ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси:

— Ўзбекистон ва Туркманистонни нафақат умумий тарих, маданият ҳамда анъаналар, балки бугунги кунда тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари ҳам бирлаштириб туради. Мен, айниқса, бу муносабатларнинг бугунги юксак даражага кўтарилишида икки давлат етакчиларининг мустаҳкам сиёсий иродаси ва ўзаро ишончга асосланган мулоқоти ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.



Давлатлар раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик янги мазмун билан бойиб, парламентлараро алоқалар учун ҳам кенг имкониятлар очилмоқда. Биз, депутатларнинг вазифамиз эса ана шу сиёсий иродани амалий ишлар билан қўллаб-қувватлаш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Конференция давомида менга, айниқса, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг инсон манфаатларига йўналтирилганини муҳим жиҳат сифатида таассурот қолдирди. Мазкур тадбирни парламентлар ўртасида тажриба алмашиш, қонун ижодкорлиги соҳасида фикр юритиш ва икки томонлама ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаш учун самарали майдон сифатида баҳолайман.

Анжуман доирасидаги фикр алмашинувлар, билдирилган таклиф ва ташаббуслар мамлакатларимиз ўртасидаги парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга катта ҳисса қўшади.

Осман МЕСТЕН,
Туркия Буюк Миллат Мажлиси депутати, Туркия — Ўзбекистон дўстлик гуруҳи ҳамраиси:



— Бугун Туркия ва Ўзбекистон муносабатлари икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишонч ҳамда самимий дўстлик туфайли юксак босқичга кўтарилди. Давлатлар раҳбарлари яратган ана шу мустаҳкам сиёсий асос парламентлараро алоқаларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Парламент дипломатияси, дўстлик гуруҳлари орқали ўзаро ишонч ва ҳамкорлик янада мустаҳкамланмоқда. Бу ҳамкорлик парламент дипломатиясининг мавқеини юксалтиришга замин яратади. Айни пайтда Олий Мажлиснинг Туркия Республикаси Буюк Миллат Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро дўстлик гуруҳи фаолият олиб бораётир.

Қонун чиқарувчи органлар ва парламент аъзолари сифатида жамиятларимиз ва давлат институтлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш борасида зиммамизда катта масъулият бор.

Минтақамизда ва бутун дунёда кечаётган жараёнлар биздан — Туркий давлатлар парламентлари аъзоларидан самарали ва мақсадга йўналтирилган парламент дипломатиясини амалга ошириш, янги ёндашувларни ишлаб чиқиш ва аниқ натижаларга эришишни талаб этмоқда. Мазкур халқаро конференция эса парламент дипломатиясидан янада самарали фойдаланиш ҳамда парламентларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш борасидаги қатъий интилишларимизни рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Мунисхон КАРИМОВА
(«Халқ сўзи»).

Тадбиркорлар билан навбатдаги очиқ мулоқотга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида 15 майдан бошлаб 50 дан ортиқ вазирлик ва идора вакилларидан иборат республика штаби ташкил этилиб, улар 24/7 тартибида узлуксиз фаолият юритмоқда.

Жильбер Ф. УНГБО:

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЮКСАК ҚАДРЛАЙДИ



1 Ўзбекистон фаол дипломатия, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда кўп томонлама тузилмалар, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти Маъмурий кенгаши аъзоси сифатидаги иштироки орқали халқаро майдонда ўз мавқеини мустаҳкамлади.

ХМТ Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Сўнгги йилларда муносабатларимиз ичил мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга жалб этишга қарши курашиш йўлида самарали ишлар қилинди. Бандликка кўмаклашиш, меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш ва ижтимоий мулоқотни ривожлантиришда салмоқли ютуқларга эришилди.

Ислоҳотлар иш берувчилар ва ходимларнинг мустақиллигини таъминлаш, самарали ижтимоий мулоқотни янада мустаҳкамлашни тақозо қилади. Ҳамкорлик ва ишончли мулоқотнинг давом эттирилиши келгусида эзгу мақсадларга эришишга хизмат қилишига аминман.

Ўзбекистон ва ХМТ ўртасидаги яқин муносабатлар тобора юксалмоқда. Ҳамкорлигимизнинг навбатдаги босқичини ривожлантиришга астойдил ҳаракат қиляпмиз. ХМТ муносиб меҳнат шароити учун ижтимоий адолатни мустаҳкамлашда Ўзбекистон раҳбарияти билан шерикликни давом эттиришдан манфаатдор.

Яна бир бор қутлуғ сана муносабати билан Ўзбекистон халқига тинчлик, ҳамжиҳатлик ва фаровонлик тилайман.

«Дунё» АА.
Женева

ГЛОБАЛ СИЁСИЙ МУЛОҚОТНИНГ МУНОСИБ ДАВОМЧИЛАРИ

1 Илгари давлатлараро алоқаларда асосий дипломатик жараёнлар ижро ҳокимияти орқали амалга оширилган бўлса, бугун парламентлар ҳам глобал сиёсий мулоқотнинг фаол иштирокчисига айланмоқда. Парламентлар халқ иродасининг бевосита ифодаси сифатида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим ўрин тутяпти.

Парламентлараро Иттифоқ доирасидаги Ёш парламент аъзоларининг глобал конференцияси ана шу жараёнларнинг энг нуфузли платформаларидан бири саналади. Унда турли давлатларнинг ёш қонун ижодкорлари ўзаро тажриба алмашиб, замонавий чақириқларга биргаликда ечим излайди. Самарқанд форуми эса ушбу мулоқотни янги босқичга кўтариши билан аҳамиятлидир.

Форумнинг қадимий ва бетакрор Самарқанд шаҳрида ўтказилиши ҳам чуқур маънавий ва сиёсий мазмунга эга. Асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни боғлаб келган, турли маданият ҳамда цивилизациялар учрашув нуқтаси бўлган Самарқанд бугун ҳам тинчлик, ўзаро ҳурмат ҳамда мулоқот рамзи сифатида дунё эътиборини тортмоқда. Ана шу тарихий заминда ёш парламент аъзоларининг жаҳон миқёсидаги форуми ташкил этилиши



Ўзбекистоннинг инсонпарварлик, бағрикенглик ва ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатининг амалий ифодасидир. Бу анжуман орқали мамлакатимиз нафақат ўзининг бой тарихий меросини намоён қилади, балки замонавий тараққиёт, инновацион ёндашув ва ёшлар сиёсати йўналишидаги тажрибаларини ҳам халқаро ҳамжамият билан бўлишади.

Бугун Ўзбекистон жаҳон майдонида нафақат очиқ ва ишончли ҳамкор, балки глобал муаммоларга ечим излаш жараёнида фаол ташаббус кўрсатаётган давлат сифатида намоён бўлмоқда. Самарқанд форуми эса ана шу сиёсий йўналишнинг мантиқий давоми бўлиб, мамлакатимизнинг парламент дипломатияси бўйича тажрибасини халқаро ҳамжамиятга намойиш этиш учун муҳим имконият яратади. Мазкур конференциянинг асосий қиммати шундаки, у ёшларни нафақат муҳокама объекти, балки глобал қарорлар қабул қилиш жараёнининг фаол иштирокчисига айлантиришга ҳисса қўшади. Чунки бугунги ёш парламентарлар эртанги сиёсий элита, янги авлод қонун ижодкорлари ва халқаро ҳамкорлик етакчиларидир.

Ўзбекистон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, навқирон авлоднинг парламент фаолиятида иштирокини таъминлаш демократик институтларни мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир. Ёшлар парламенти орқали шаклланган тажриба, уларнинг қонунчилик жараёнидаги фаолияти, жамиятдаги долзарб масалаларга нисбатан ташаббуслари миллий парламентаризмнинг янги босқичини белгилаб бермоқда. Самарқанд форуми доирасида ушбу тажрибаларни халқаро майдонда тақдим этиш, турли мамлакатлар ёш парламентарийлари билан ўзаро мулоқот қилиш ва илғор ёндашувларни муҳокамадан ўтказиш имконияти яратилади. Бу эса нафақат парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлайди, балки ёшлар парламентаризмининг умумий халқаро стандартларини шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Айни пайтда дунёда юз бераётган геосиёсий бурилишлар, рақамли трансформация, иқлим ўзгариши, меҳнат бозоридаги янги тенденциялар каби жараёнлар ёш авлод олдига янги вазифаларни қўймоқда. Бундай шароитда парламентлар зиммасига ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун тенг имкониятлар яратиш ва барқарор тараққиёт мақсадларига эришишга қаратилган самарали қонунчилик механизмларини ишлаб чиқиш вазифаси юкланади. Ўзбекистон мазкур жараёнларда фаол иштирок этиб, ёшлар сиёсати, инсон капиталига инвестиция киритиш, таълим, бандлик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ислоҳотларни халқаро ҳамкорлик билан уйғун равишда амалга оширмоқда.

Демак, Самарқанд форуми ёш авлоднинг сиёсий тафаккури, интеллектуал салоҳияти ва ижтимоий масъулиятини намоён этадиган, келажак парламентлари қандай бўлиши ҳақида фикр алмашиладиган муҳим майдондир. Ишонч билан айтиш мумкинки, Парламентлараро Иттифоқ Ёш парламент аъзоларининг XII глобал конференцияси Ўзбекистоннинг халқаро парламент дипломатияси тарихида муносиб ўрин эгаллайди. У мамлакатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсати, очиқ мулоқотга асосланган ёндашуви ва ёшларга қаратилган давлат сиёсатининг жаҳоний эътирофини янада мустаҳкамлайди. Энг муҳими, бу халқаро тадбирда илгари сурилаётган ташаббуслар бугунги ёшлар манфаатларигагина эмас, балки келажак авлодлар учун адолатли, барқарор ва тараққий этган дунёни барпо қилишга ҳисса қўшади.

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси.

Янги Қува:

ТЎКИНЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЭШИГИ

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 27-28 апрель кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Янги Қува маҳалласида бўлиб, бу ерда амалга оширилган ишларни юксак эътироф этди. Маҳалла аҳли билан юзма-юз мулоқотда бу юртимиздаги тинчлик, фаровонликдан далолат экани таъкидланди.



Обод маҳалла

Бу баландпарвоз гап эмас, унда асло муболаға йўқ. Боиси атиги бир йил илгари ушбу маҳаллада бўлган одам бугун яна қайта борса, танимай қолиши аниқ. “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” дастури доирасида муҳташам маҳалла биноси, кутубхона, спорт ва воркаут майдончалари, кўп қаватли уйлар қуриб битказилди. Аслида, санайверсак, бу каби янгиликларнинг адоғига етиш қийин.

Хусусан, 5,5 миллиард сўм эвазига маҳалла аҳолиси учун тоза ичимлик суви тармоғи тортилди. 1,7 миллиард сўмга канализация сувларини тозалаш иншооти қурилди. 5 миллиард сўм сарф этилиб, йўл инфратузилмаси бутунлай янгиланди. Маҳаллий тадбиркорларнинг маблағи ҳисобига 68,9 миллиард сўмлик савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, 5 та кўп қаватли тураржой, 37 миллиард сўмлик лойиҳа доирасида янги мактаб бунёд этилди. Давлат-хусусий шериклик тамойили асосида 3 та замонавий боғча қад ростлади.

Айни пайтда “Янги Қува” МФЙда 5300 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳалланинг асосий драйвери — гулчилик ва кўчатчилик. Хонадонларнинг 450 тасида гул, 250 тасида дарахт кўчатлари етиштирилади. Кўплаб ҳовлиларда иссиқхона бор.



Маҳалла раиси Қобилжон Юнусовнинг қайд этишича, ўтган йили 50 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 400 нафарга яқин маҳалладош ишли бўлди. Шу йилнинг ўтган даврида маҳаллада яна 7 та микролойиҳа амалга оширилиб, кўплаб ёшлар ҳамда хотин-қизлар иш билан таъминланди. Ҳозирги кунда ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари сафи кенгайиб бормоқда.

Зиёлилар сулоласи сифатида танилган Туримовлар оиласи томорқа юмушларини ҳам қойиллатади.

— 15 сотихли томорқамизнинг 3,5 сотихида иссиқхона барпо этганмиз, — дейди Мадиёр Туримов. — Хитой тажрибаси асосида шамшод етиштиряпмиз. Бу йил 20 минг туп шамшод парваришланди. Оила аъзоларимиз билан биргаликда биргина ана шу юмушнинг ўзидан жорий йилда ўртача 300 миллион сўм даромад олишни мақсад қилганмиз. Бу — томорқадан фойдаланишда замонавий ёндашув, инновация ва юксак маънавият ҳосиласи. Маҳалладошларимизнинг бу борадаги ибратли тажрибаси мамлакат микёсида оммалаштирилаётгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Аслида катта йўл бўйидаги исталган хонадонга кирсангиз, атиргул ифори, райҳоннинг хушбўй ҳиди димоғингизни қитиқлайди. Ана шундай хонадонлардан бирининг соҳиби Тўлқинжон Деҳқонов. У ҳовлисининг 5 сотихида замонавий иссиқхона қурган.

— Ноёб тур ҳисобланувчи атиргулларим очилганини кўрсам, кайфиятим кўтарилади, — дейди 70 ёшли хонадон соҳиби. — Гулчиликда янги усулларни амалиётга жорий этганимиз учун атиргулларимиз жуда ҳам харидоргир. Шу сабабли гулларимиз қўшни республикалар, Россия, ҳатто Европа давлатларигача экспорт қилинмоқда.

Айтганча, Тўлқинжон Деҳқоновнинг тажрибаси эндиликда бутун Қувага намуна бўлмоқда. Айнан мана шу иссиқхона технологияси ва тажрибаси асосида туманда 7 гектар майдонда янги гулчилик кооперацияси ташкил этилди.

Маҳалладаги энг йирик лойиҳалардан бири — “IVS-TEXGROUP” тикувчилик фабрикаси. Шу йил бошида ишга тушган мазкур корхонага беларуслик инвестор томонидан икки босқичда 1 миллион доллар сармоя киритиш режалаштирилган. Бугун корхонада 100 нафардан зиёд хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Йил якунига қадар қўшимча бино қуриш орқали яна 100 та иш ўрни очиш ва экспорт ҳажмини 1 миллион доллардан ошириш кўзда тутилган.

— Янги корхона опа-сингилларимиз учун жуда катта имконият бўлди, — дейди Насибахон Ристаева. — Илгари иш йўқлиги учун уйда ўтирардим, ҳозир эса оилам, жамият учун ўзимни керакли инсондек ҳис қиляпман.

Яқингача “аёллар дафтари”да турган Шаҳноза Комилова ҳам “маҳалла еттилиги”нинг амалий тавсияси билан ушбу фабрикага ишга кирди. Энди у ҳам муқим даромад манбаига эга.

Хотин-қизлар фаоли Садоқат Ҳайдаматованинг айтишича, маҳаллада 2 534 нафар хотин-қиз яшайди. Бу ерда иккита йирик ишлаб чиқариш корхонаси ва ўнга яқин кичик цехлар фаолият бошлагани учун уларнинг орасида ишсизлар деярли қолмади. Қувонарлиси, бугун маҳалла нафақат ишсизлик, балки ажримдан ҳам холи ҳудудга айланди.

Шунингдек, ўтган йили маҳалла ҳудудида янги ҳуқуқ-тартибот маскани бунёд этилгач, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан камайди.

— Масканда барча шароит яратилган бўлиб, алоҳида ситуацион марказ ҳам фаолият кўрсатади, — дейди профилактика бош инспектори, капитан Холматжон Холматов. — Ҳудуддаги Янги Қува, Ўзбек, Турк, Бойистон ва Янги ҳаёт маҳаллаларини қамраб олган ҳолда хизмат олиб борамиз. 5 та маҳалла ҳудудига 200 га яқин замонавий кузатув камералари ўрнатилиб, барчаси ситуацион марказга интеграция қилинди. “Хавфсиз кўча”, “Хавфсиз йўлак”лар ташкил этилди.

“Маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда ижтимоий профилатика масалалари тизимли олиб борилаётгани туфайли жорий йилнинг ўтган даврида 5 та маҳалланинг бирортасида жиноят қайд этилмади ва “яшил” ҳудуд сифатида эътироф қилинди.

Бугун Янги Қувада каттаю кичикнинг юрагида шукроналик, бахтиёрлик туйғуси бор. Зеро, ҳаётбахш ислоҳотлар ҳар бир оила учун фаровонлик эшигини янада кенгроқ очмоқда. Давлатимиз раҳбари ҳар гал Фарғонага, хусусан, Қува туманига келганида кексаю ёш кўнглини кўтариб, уларни хайрли ишларга рағбатлантириб кетади. Ҳаёт тарзимиз, тафаккуримиз, дунёқарашимизни ўзгартираётган бундай қўллаб-қувватлов халқимиз учун ғоят аҳамиятлидир.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Сайёр қабул

МУРОЖААТЛАР СЕНАТОР НАЗОРАТИДА

Оқова сув таъминоти, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш, зарур инфратузилмани ривожлантириш ҳамда жамоат транспортидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш билан боғлиқ муаммолар айрим ҳудудлар аҳолисини қийнаб келаётгани сир эмас.

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси Нусуратулла Пардаевнинг Жиззах вилояти, Мирзачўл туманидаги Боғбон маҳалласи аҳолиси билан ўтказган сайёр қабули давомида айнан шу масалалар кўтарилди.

Мулоқот чоғида фуқароларни қийнаб келаётган муаммолар ва мурожаатлар юзасидан мутасадди ташкилот ҳамда корхоналар масъулларига тегишли топшириқ ва тавсиялар берилди. Мурожаатларнинг ижроси сенатор назоратига олинди ҳамда уларни ҳал этиш бўйича аниқ муддатлар белгиланди.

Шундан сўнг сенатор ушбу маҳаллада давлатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари билан ҳам танишди. Аҳоли вакиллари ҳамда қурувчилар билан суҳбатлашиб, ҳудудни янада обод қилиш, амалга оширилаётган ишларни сифатли ҳамда белгиланган муддатларда якунлаш юзасидан таклиф ва тавсияларини билдирди.

«Халқ сўзи».

Дил сўзи

МЕҲНАТИМИЗ ҚАДР ТОПДИ

Меҳнат фаолиятимни бундан роса қирқ уч йил аввал Навоий қурилиш бошқармасида пайвандчиликдан бошлаганман. Яхши устозлар қўлига тушдим. Тажрибам, разрядим, оладиган маошим ошди. Мустақиллик арафасида олий маълумотга эга бўлиб, мансаб пиллапояларидан кўтарила бошладим. Ўзим ҳам кўплаб шогирдлар тарбияладим.



Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилаётгани, улар давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани боис беш-олти шогирдимни ёнимга олиб, 2007 йилда ўз бизнесимизга асос солдик. Ўша пайтларда саноатда маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги лойиҳалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланар эди. Айнан маҳаллийлаштиришга эътибор қаратганимиз натижасида буюртмалар кўпайиб, иш ҳажми ва жамоамиз сафи кенгайди.

Эътиборлиси, бугун корхонамизда 750 киши меҳнат қилади. Уларнинг тажриба ва салоҳияти билан 350 турдаги саноат маҳсулотлари, бутловчи ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариб, ҳар йили мамлакатимиз иқтисодиётида миллион-миллион АҚШ доллари миқдорида валюта маблағлари тежалишига ҳисса қўшяпмиз.

Сидқидилдан қилинган меҳнат, албатта, ўз мевасини берар экан. Куни кеча Президентимиз Фармони билан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими” фахрий унвонига сазовор бўлганим бунга гувоҳлик бериб турибди. Бу фақат менинг эмас, бизнинг аҳил ва ҳамжиҳат жамоамиз меҳнати қадр топгани ифодаси деб биламан. Аминманки, бу эътироф биз, ишбилармонларни янги-янги муваффақиятлар сари ундайди.

Бахтиёр ХАМРОЕВ,
Навоий шаҳридаги «Gidro stanko servis» масъулияти чекланган жамияти директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими.

ҲУДУДЛАРДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?



1 Ўтган давр мобайнида аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида маҳалла аҳли учун имтиёзли кредитлар ажратилган ва иш ўринлари яратилган.

“Ободонлик ва меҳр-саховат ойлиги” доирасида маҳалланинг Нукус ва Амир Темур кўчалари кесишмасидаги кўп қаватли уйлар оралиғидаги кичик боғ, болалар майдончалари ва дам олиш масканлари таъмирланиб, маданий ҳордиқ чиқариш имкониятлари яхшиланмоқда. Ҳудудни янада обод ва кўркам қилиш ишларида маҳалла аҳолисининг фаол иштироки ҳам таъминланган.

Ўрганишларнинг навбатдаги манзили Фаровон маҳалласи бўлди ва бу ерда ҳам ҳудудни ободонлаштириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал этиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Айни пайтда маҳаллада 1 638 нафар киши истиқомат қилади. Ҳудудда 198 та тадбиркорлик субъекти, хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган 48 та хонадон ва 23 та хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолият юритмоқда. Бу эса аҳолига хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш баробарида иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мулоқот давомида маҳалла аҳолисининг кундалик ҳаётига дахлдор масалалар юзасидан очиқ ва самимий суҳбат бўлиб ўтди. Фуқаролар ўзларини қийнаётган муаммолар, ҳудуддаги мавжуд камчиликлар ва таклифларини билдирди.

Шунингдек, сенатор Гулнора Маъруфова, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Севара Файзиева ҳамда Чилонзор тумани Кенгаши депутати Ойбек Туганбеков Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги Кичик Хирмонтепа маҳалласида сайловчилар билан учрашув ўтказди. Унда Сенат ялпи мажлисларида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти, давлатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан жойларда олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида маълумот берилди.

Мулоқот давомида фуқаролар томонидан ҳудуддаги мавжуд муаммолар ва таклифлар ўртага ташланди. Хусусан, айрим машина ювиш шохобчалари пиёдалар йўлакларини тўсиб қўйгани ҳамда маҳаллада мотопойгалар ўтказилаётгани юзасидан мурожаатлар билдирилди.

Мазкур масалаларни тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўрганиш ва ҳал этиш бўйича масъулларга тегишли вазифалар юклатилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари “Долзарб 40 кунлик” тадбирлари доирасида маҳаллада амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари билан ҳам танишди. Ҳудудда тозалик ва озодаликка риоя этиш, ободонлаштириш ишларини янада жадаллаштириш ҳамда аҳоли учун қулай яшаш муҳитини яратиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўрганиш давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга зарур ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, “Атлас Инвест” МЧЖ фаолияти билан танишилиб, корхонада аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди. Эътиборлиси, ушбу корхонада депутат ташаббуси билан 800 нафар фуқаро иш билан таъминланган.

Сенаторлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакиллари фаолиятида энг муҳим мезон — одамларнинг ишончи ва амалий натижа. Бу эса ўз навбатида ҳар бир халқ вакилидан сайловчилари билан мунтазам мулоқотда бўлиш, уларнинг манфаатларини ҳимоялаш ва кўтарилган масалалар ечими учун изчил ҳаракат қилишни талаб этади.

Юқорида тилга олинган маҳаллалардаги учрашувлар ана шу тамойилнинг амалий тасдиғи бўлди. Унда аҳоли мурожаатларини ўрганиш, ҳудуд ободлигини таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ва фуқаролар бандлигини ошириш каби муҳим йўналишлар қамраб олинди.

«Халқ сўзи».

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ



Дунё миқёсида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб кескин ошаётган пайтда суғориладиган ерлар қатори лалмикорликда ҳам ҳосилдорликни кўтариш, уруғчилик тизимини намунали йўлга қўйиш жуда муҳим. Масалан, нўхат етиштиришда. Маълумотларга кўра, ҳар йили республикамиз бўйича 55 минг гектар лалмикор ерларда нўхат етиштирилмоқда. Афсуски, олинаётган ҳосилдорлик гектарига 4 центнерга ҳам бормаяпти.

Мутахассис фикри

Кўриниб турибдики, нўхат экилаётган майдонларда ҳосилдорлик салмоғи жуда кам. Нега?..

— Энг катта муаммо — уруғчиликнинг йўлга қўйилмагани! Маҳаллий навлар кўп, аммо уни сифатли тайёрлаб деҳқонларга тавсия этадиган, керак бўлса, жойларгача етказиб берадиган тизимнинг ўзи йўқ. Жойларда нўхат экадиган махсус техникалар ҳам етишмайди, — дейди Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари Маматқул Жўраев. — Ваҳоланки, бозорда ушбу маҳсулотга талаб юқори. Ҳар йили Эрон ва бошқа давлатлардан импортга олиб келинадиган нўхатга бу йил Яқин Шарқдаги нотинчлик туфайли умид қилишнинг ҳожати йўқ. Демак, ички бозорни тўлдириш фақат ўзимизга боғлиқ.

Унинг таъкидлашича, олимлар тадқиқотларида аниқландики, сурункали ғалла экиш натижасида тупроқдаги чиринди миқдори қарийб 50 фоизга камайиб кетади. Бундай далаларда дуккакли экинларни (нўхат, хашаки нўхат) алмашлаб экиш тупроқдаги чиринди миқдорини сезиларли даражада тиклаб беради. Ана шу сабабли ҳам лалмикорликда нўхат етиштиришни ҳозиргига нисбатан ўн карра, юз карра кўпайтириш ҳар томонлама фойдали.

— Нўхатнинг “Забардаст”, “Ифтихор”, “Лўнда”, “Гулистон”, “Юлдуз”, “Лаззат” ва “Ўзбекистон-32” сингари маҳаллий навларидан лалмикор ерларда гектаридан 13 — 15 центнердан ҳосил кўтариш мумкин. Фақат бунинг учун кафолатли уруғчилик тизимини яратиш зарур. Аммо кейинги йилларда фермер хўжаликлари томонидан синовдан ўтмаган хориж уруғларининг экилиши оқибатида уруғлар униб чиқмай, чириб кетиши, турли касалликлар билан зарарланиши кузатилмоқда, — деб давом этади М. Жўраев. — Шу сабабли, нўхат етиштирувчи фермерлар, шахсий томорқа эгаларига олимлар маслаҳатига қулоқ тутишини, юртимизда экишга рухсат берилган навларни танлашини тавсия қиламиз. Қолаверса, бугун қишлоқ хўжалигида импортни эмас, балки ички бозорни тўлдириш, маҳсулотнинг ортиқчасини экспортга йўналтиришни кўзлаётган эканмиз, лалмикор ерларда ҳосилдорликни оширишга халақит бераётган муаммоларнинг барчаси тегишли идоралар томонидан тезкорлик билан бартараф этилиши зарур.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

2026 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонга хориждан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажми 13 фоизга ошиб, 9,3 миллиард долларни ташкил этган.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 15 август

ЗАМОНАВИЙ ВА РАҚОБАТДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

1 Университетда бугунги кунда 20 мингга яқин талаба-ёшлар ўнта факультет, битта бўлим ва ўттизга яқин кафедралар таркибида фаолият юритаётган 600 нафардан ортиқ малакали профессор-ўқитувчилардан 74 та бакалавриат таълим йўналиши, 26 та магистратура мутахассислиги ҳамда 35 та докторантура ихтисослиги бўйича билим олмоқда.

2025/2026 ўқув йилида университет бўйича жами 203 та малака талаби, 298 та ўқув ва ишчи ўқув режаси ҳамда 2 916 та ўқув дастури ва силлабус ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда тасдиқланди ва таълим жараёнига жорий этилди. Фан дастурларининг мазмунини халқаро талаблар асосида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 420 та ўқув дастури дунёнинг “ТОП — 300” рейтингига кирувчи олий таълим муассасаларининг илғор ўқув дастурлари, силлабуслари ҳамда самарали академик тажрибалари асосида қайта кўриб чиқилди ва такомиллаштирилди.

Муассаса моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, талабаларнинг сифатли таълим олиши учун муносиб шароитлар яратиш йўналишида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Охирги бир йил давомида физика-математика, табиий ва ижтимоий фанлар факультетлари талабалари учун мўлжалланган 2 минг ўринли инновацион ўқув биноси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, талабаларнинг тураржой билан таъминланганлик даражасини янада ошириш мақсадида “Юксалиш” массивида жойлашган инновацион факультет ҳудудида яна минг ўринли 2 та 7 қаватли талабалар тураржой биноси қурилиши якунланиб, янги ўқув йилидан ишга туширилади. Айни пайтда профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходимлар ҳамда талабалар учун 500 ўринли замонавий ошхона биноси қурилиши ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Касбий фаолиятга тайёрлаш ва бандлик

Талабаларнинг мустақил таълим олишлари, фанларни чуқур ўзлаштириши ва илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш учун университет ахборот-ресурс марказида ҳам зарур шароитлар яратилган. Бу ерда 16 мингдан зиёд 278 682 нусха адабиёт жамланган. Талабаларнинг ўқув жараёнида фойдаланиши учун зарур бўлган ўқув адабиётлари қарийб 100 фоиз электрон шаклга ўтказилган.



Ёшларни келгусидаги касбий фаолиятга тайёрлаш, мутахассислик бўйича амалий тажрибасини ошириш мақсадида амалиёт масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Якунланган ўқув йилида 13 750 нафар талаба малака амалиётига жалб этилди. Бунинг учун 8 537 та турли ташкилот ва муассаса билан шартномалар тузилди.

Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ишга жойлашишига кўмаклашиш тўлиқ рақамлашган ҳолда “career.edu.uz” электрон платформаси орқали ташкил этилди. Ҳисобот даврида платформа орқали жами 1 182 та шартнома юборилди ва мазкур тизим асосида 1 242 нафар талаба малака амалиётини ўтади. Электрон платформадан фойдаланиш амалиёт жараёнларини тартибли ташкил этиш, талабаларни тегишли ташкилотларга йўналтириш ва шартномавий ҳужжатларни тезкор расмийлаштириш имконини берди.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари, меҳнат бозори эҳтиёжлари ҳамда ёшларнинг таълимга қизиқишлари чуқур таҳлил қилиниб, университетда янги таълим йўналишлари очилмоқда. Шунингдек, илмий тадқиқот ишлари мавзулари вилоятнинг долзарб муаммолари ва амалий эҳтиёжларидан келиб чиқиб шакллантирилишига эътибор қаратилмоқда.

Университетда битирувчиларни иш билан таъминлаш ва уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда “Келажакка қадам” дастури доирасида битирувчиларга имтиёзли кредитлар олишда амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

2024/2025 ўқув йилида 64 нафар битирувчи 1,2 миллиард сўмлик имтиёзли кредит олган бўлса, 2025/2026 ўқув йилида мазкур кўрсаткич қарийб уч бараварга ошиб, 199 нафар битирувчига 3,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Шунингдек, қўшимча 285 нафар битирувчининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун 3 миллиард сўмлик имтиёзли кредит олиши режалаштирилган.

Илмий салоҳият ўсмоқда

Бугунги кунда университетда 45 нафар фан доктори (DSc), профессорлар ва 295 нафар фалсафа доктори (PhD), доцентлар фаолият олиб бормоқда. Эътиборлиси, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти ўтган бир йил ичида 41 фоиздан 58 фоизга етди ва йил якунига қадар уни 65 фоизга етказиш устида тизимли ишлар бажарилаётир.

Олий таълим муассасамизда илмий даражалар берувчи 5 та илмий кенгаш 10 та ихтисослик бўйича фаол ишламоқда. Ўтган бир йилдан зиёд вақт ичида жами 246 тадан ортиқ (2025 йилда 166 та, жорий йилнинг ҳозирги давригача 80 та) диссертация муваффақиятли ҳимоя қилинди. Иқтидорли талабаларни илм-фанга жалб этиш борасида ҳам қатор салмоқли натижаларга эришилди. Хусусан, ёшларимизнинг 1 нафари Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендианти, шунингдек, Ислом Каримов (1 нафар), Алишер Навоий (6 нафар), Мирзо Улуғбек (1 нафар) ҳамда Бобур (1 нафар) номидаги давлат стипендианти ҳисобланади.



Бундан ташқари, “Мирзо Улуғбек ворислари” лойиҳасининг республика босқичида 2 нафар талабамиз ғолибликни қўлга киритган бўлса, яна 4 нафари танловнинг махсус совринларига эга бўлди. Мазкур кўрсаткичлар университетда ёш олимлар мактаби мустаҳкам пойдеворга эга эканининг яққол ва амалий исботидир.

Олимларимиз томонидан қисқа вақт ичида “Scopus” ва “Web of Science” халқаро базаларига киритувчи нуфузли журналларда 130 дан ортиқ мақолалар чоп этилди. Эришилган муҳим ютуқлардан яна бири — илмий фаолият фақат нашрлар сони билан эмас, балки уларнинг сифати ва халқаро иқтибослилиги билан ўсиб бораётгани. Олимларимиз “ORCID”, “ResearchGate” ва “Google Scholar” каби халқаро профилларда фаол иштирок этиб, университетнинг халқаро кўринувчанлигини оширмоқда. Шунингдек, Беларусь олимлари билан қўшма тадқиқотлар, ўзбек-турк қиёсий тилшунослиги бўйича олиб борилган изланишлар бевосита амалий натижасини бериб, нуфузли журналларда эълон қилинмоқда.

Сўнгги бир йил давомида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси йўналишида муҳим ҳамда дадил қадамлар ташланди. Ҳозирги кунда университетда умумий қиймати қарийб 5,1 миллиард сўм бўлган 5 та давлат гранти лойиҳаси муваффақиятли бажарилмоқда. Хусусан, Орол денгизининг қуриган тубидаги сув ҳавзаларининг гидробиологик таркибини аниқлаш ҳамда истиқболли сувўтларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш, биохилмахиллиги хавф остидаги ҳудуд сифатида Фарғона водийси флорасининг рақамли платформасини ишлаб чиқиш, ўзбек ҳамда турк геортонимларининг лингвокультурологик, этнолингвистик тадқиқи каби тадқиқотлар долзарб муаммолар ечимига қаратилгандир.

Университет олимларининг ишланмаларини тижоратлаштириш борасидаги ютуқлар ҳам салмоқли. Бугунги кунда 4 та ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда 15 та хўжалик шартномаси асосида амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, “Agrofood technology spin-off” корхонасида йодга бой кўк ёнғоқ мураббоси ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилаётган бўлса, “Мўл ҳосил барака” корхонасида олимларимиз ишланмаси асосида маҳсулот таннархини 15 — 20 фоизга арзонлаштиришга эришилди.

Шунингдек, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимига қаратилган диссертациялар сони ўтган йили 63 тани ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмидаёқ бу кўрсаткич 92 тага етгани университет илм-фанининг реал ҳаётга қанчалик тез ва самарали татбиқ этилаётганини кўрсатади.

Меморандумлардан амалий босқичга

Бугунги кунда университет нафақат ҳудуднинг, балки республиканинг халқаро ҳамкорлик йўналишида жадал ривожланаётган олий таълим муассасаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Олий гоҳнинг ривожланиш стратегиясида халқаро ҳамкорлик, илм-фан, инновациялар ҳамда академик мобиллик устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Дунёнинг турли давлатларидаги етакчи университетлар билан 18 та халқаро меморандум имзоланди. Энг муҳими, мазкур меморандумларнинг барчаси амалий босқичга олиб чиқилди. Бугунги кунда улар доирасида қўшма илмий тадқиқотлар, академик алмашинув дастурлари, профессор-ўқитувчилар стажировкалари, қўшма конференциялар ва илмий семинарлар ташкил этилмоқда. Бу эса халқаро ҳамкорликни расмий ҳужжатлар даражасидан реал натижаларга йўналтирилган тизимга айлантириш имконини берди. Университетнинг халқаро ҳамкорлик географияси ҳам тобора кенгаймоқда.

Айни пайтда Осиё, Европа, Америка ҳамда МДҲ мамлакатларидаги нуфузли университетлар билан самарали алоқалар йўлга қўйилган. Ҳамкорлик доирасида қўшма таълим дастурлари, илмий лойиҳалар, грантлар, ёзги мактаблар, қисқа муддатли курслар ҳамда профессор-ўқитувчилар алмашинуви йўлга қўйилган. Натижада таълим сифати, илмий фаолият ва халқаро рейтинг кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланяпти.

> Халқаро таълим дастурларини ривожлантириш борасида ҳам муҳим ютуқларга эришилди. Ҳозирги пайтда университетда 8 та “Доубле дегрее” ва “Жоинт дегрее” дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ушбу дастурлар талабаларга халқаро тан олинадиган диплом олиш, хорижий университетларда таҳсилни давом эттириш ва глобал меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассис бўлиб етишиш имконини бераётир.

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,
Наманган давлат университети ректори,
тарих фанлари доктори, профессор.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИДАН НУФУЗЛИ МУСОБАҚАДА ТАРИХИЙ НАТИЖА

Фахр



Пойтахтимизда ўтказилган 38-Халқаро информатика олимпиадаси (IOI 2026) баҳслари Ўзбекистон учун тарихий натижа билан якунланди.

Гап шундаки, миллий терма жамоамизнинг барча — 4 нафар аъзоси совринли ўринларни эгаллаб, 1 та кумуш ҳамда 3 та бронза медаллари соҳибига айланди. Жумладан, Муҳаммад ал-Хоразмий мактабининг 9-синф ўқувчиси Жаҳонали Ҳайдаралиев кумуш медалга эга чиққан бўлса, Нукус Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси Тимур Кадирбергенов, Наманган Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси Улуғбек Раҳматуллаев, Наманган Президент мактабининг 10-синф ўқувчиси Жаҳонгиршоҳ Авазхонов бронза медаллари билан тақдирланди. Шу билан бирга, Навоий шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси Сардорбек Салимов “Фахрий эътироф” совринига сазовор бўлди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз ёшлари дунёнинг энг кучли ёш дастурчилари қаторида муносиб натижага эришгани келгусида халқаро майдонларда янада юксак марраларни забт этиш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР УЧУН МУҲИМ МАЙДОН

Пойтахтимизда “Олий таълим хизматларини ривожлантириш: таълим дастурлари сифатини ошириш, таълимда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бандлик имкониятларини кенгайтириш” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуман

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш ва глобал ҳамкорлик маркази томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз ва хорижлик таълим сифати соҳаси экспертлари, меҳнат бозори мутахассислари, олийгоҳларнинг раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда соҳа мутахассислари қатнашди.

Конференциянинг ялпи мажлисида миллий олий таълим тизимининг халқаро рақобатбардошлигини ошириш, компетенцияга асосланган ўқув дастурлари, меҳнат бозори талабларига мос амалий кўникмаларни шакллантириш ва таълим билан меҳнат бозори ўртасидаги узвий алоқани кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, таълим дастурларини меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида такомиллаштириш, замонавий ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш ва янги авлод кадрларини тайёрлаш масалалари хорижий экспертлар иштирокида кўриб чиқилди.

Конференция кун тартибидан олий таълим натижаларини меҳнат бозори эҳтиёжлари билан боғлаш, талабаларнинг амалий кўникмаларини ривожлантириш, тадбиркорлик салоҳиятини ошириш ва битирувчиларнинг муносиб иш ўринларига эга бўлиш имкониятларини кенгайтириш масалалари ҳам жой олди.

Нуфузли тадбирда Хитой, Австрия, Қозоғистон, Озарбайжон, Малайзия ва Буюк Британия вакиллари ўз мамлакатларидаги илғор тажриба ва амалий ёндашувлар билан ўртоқлашди.

— Албатта, тизим қанчалик халқаро бўлса, шунчалик яхши, чунки бу дунёнинг энг иқтидорли ва салоҳиятли инсонлари билан ҳамкорлик қилиш имконини беради, — дейди Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Майкл Хоулгейт. — Менимча, Ўзбекистон олий таълим тизими сўнгги йилларда сезиларли даражада ривожланди, ислоҳотлар амалга оширилди ва ижобий ўзгаришлар яққол намоён бўла бошлади. Ўзбекистон университетларининг халқаро рейтинглардаги иштироки ва сонига назар ташласангиз, уларнинг кўрсаткичлари изчил ошиб бораётганини кўриш мумкин. Бундан ташқари, мамлакатингизда янги университетлар ташкил этилмоқда. Шу сабабли бугунги кунда Ўзбекистонда олий таълим соҳасида юз бераётган жараёнларни кузатиш жуда ҳаяжонли. Ўзбекистон Буюк Британия билан олий таълим соҳасида шериклик қилаётганидан жуда мамнунмиз. Мамлакат халқаро миқёсда олий таълим тизими учун тобора муҳим ва истиқболли ҳамкорга айланиб бормоқда.

Анжуманда 2026/2027 ўқув йилини ташкил этиш, халқаро рейтинг агентликлари билан ишлаш, хорижий талабаларни жалб этиш, олий таълимда рақамли хизматларни ривожлантириш, Тадбиркорлик асослари фанини ўқитиш ва карьера марказлари фаолиятини йўлга қўйиш масалалари бўйича амалий таклифлар ҳам муҳокама қилинди.

Улуғбек РЎЗИМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

«ЕВРОВИДЕНИЕ» ЯНГИ ҚОИДАЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Маълумки, “Евровидение” танловини ўтган йили ғолиб бўлган мамлакат телерадиокомпанияси Европа телерадиоэшиттиришлар иттифоқи (EBU) билан бирга ўтказади.

Янги қоидаларга кўра, агар ғолиб мамлакатда қуролли низо бўлса, у автоматик равишда танловни ўтказиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Шунингдек, хавфсизлик ва барқарорликка таъсир қилувчи нозик геосиёсий вазиятлар ҳам шундай тақиққа сабаб бўлади. EBU зарур бўлса, хавфсизлик юзасидан баҳолаш ўтказиши мумкин. Агар ғолиб телерадиокомпания танловни ўтказа олмаса, бошқа номзод танлаб олинади.

Янги қоидаларга кўра, иштирокчиларнинг энг кичик ёши 16 ёшдан 18 ёшга кўтарилди. Бу ёш санъаткорларга тушадиган босимни камайтириш мақсадида қилинди. Асосий ижрочилар фақат жонли куйлаши керак. Уларга олдиндан ёзиб олинган овозлардан фойдаланиш тақиқланади.

Мусобақа адолатли ва шаффоф бўлиши учун танлов қоидалари ҳар йили кўриб чиқилади.

ЭНГ ГАВЖУМ АЭРОПОРТЛАР АНИҚЛАНДИ

Жанубий Кореянинг Инчон аэропорти халқаро йўловчилар сони бўйича дунёдаги энг гавжум аэропортга айланди. Бу ҳақда “The Guardian”да хабар берилди.

Аэропортлар халқаро кенгаши (ACI) тақдим этган маълумотларга кўра, Сеулдан тахминан 48 километр ғарбда жойлашган бу аэропорт 2026 йилнинг биринчи ярмида 38,39 миллион халқаро йўловчига хизмат кўрсатган. Буюк Британиянинг Хитроу аэропорти 37,79 миллион йўловчи билан иккинчи ўринни эгаллади. Сингапурнинг Чанги аэропорти эса 34,53 миллион йўловчи билан учинчи бўлди.

Инчон халқаро аэропорти корпорацияси (IIAC) “Yonhap” ахборот агентлигига берган хабарига кўра, йўловчилар сони ошишига Дубай каби Яқин Шарқ хабларининг роли заифлашгани сабаб бўлган.

ЛИВАНДА ТАРИХИЙ ҚАРОР

Ливан парламенти ўлим жазосини бекор қилиш ва уни мажбурий меҳнат билан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш учун овоз берди. Шу тариқа мамлакат араб дунёсида олий жазодан воз кечган биринчи давлатга айланди.

Қайд этилишича, 128 нафар депутатнинг кўпчилиги ўлим жазосини бекор қилиш учун овоз берган. Залда ҳозир бўлган адлия вазири Одил Нассар овоз беришни мамлакат учун “тарихий қадам” деб атаган. Шундоқ ҳам Ливанда норасмий мораторий амал қила бошланган 2004 йилнинг январидан бери ўлим жазолари ижро этилмаётганди.

Судлар ўлим ҳукмларини чиқаришда давом этар, аммо улар тўхтатиб қўйилар ёки бошқа жазолар билан алмаштирилар эди. Мораторийнинг мустаҳкамланиши ёки ўлим жазосининг тўлиқ бекор қилинишига эришган ҳуқуқ-тартибот ҳимоячилари парламент қарорини олқишлаган.

КОЛУМБИЯ ҚАҲВА ЭКСПОРТИНИ ТЎХТАТИБ ҚЎЙДИ

Қаҳва экспортчилари миллий ассоциацияси раҳбари Густаво Гомесга таяниб “Bloomberg” нашрининг хабар беришича, ер силкиниши мамлакатнинг асосий порти ҳисобланган Буэнавентура фаолиятини издан чиқарган. Магистраль йўллар, айниқса, Тинч океани соҳилига олиб борувчи бош йўналиш ёпилган. Ҳозирда қаҳва операциялари тўхтатилган.

“Алоҳида операциялар бўлиши мумкин, лекин ҳозир қаҳва экспорти тўхтаб қолган. Йўл қачон тўлиқ очилиши ҳақида аниқ расмий хабар йўқ”, деди Гомес. Бошқа портлар ишида жиддий узилишлар кузатилмаган, бироқ қаҳвани шимолга йўналтириш юк машиналарининг кескин танқислиги туфайли қийинлашмоқда. Гомес ҳатто йўл очилиб, иш қайта тикланган тақдирда ҳам ҳозирги узилишлар жўнатмаларнинг кечикишига олиб келишидан огоҳлантирди.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТАБИИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН ЗЎР ЭМАС

Хитойда фермер сунъий интеллект тавсиясига амал қилиб, қарийб 10 гектар майдондаги кунжут ҳосилини тасодифан йўқ қилди. Бу ҳақда маҳаллий “Ctwant” нашри хабар берди. Анҳой вилоятида яшовчи 67 ёшли фермер тахминан бир йилдан бери сунъий интеллектдан фойдаланиб келган. У экин экиш ва ўғитлаш муддатларидан тортиб, пестицидлардан фойдаланишгача бўлган масалаларда СИдан маслаҳат олган.

Июль ойида у кунжут даласидаги бегона ўтлар ва зараркунандаларга қарши курашиш схемасини тузишни сўраган ва бир нечта препаратдан фойдаланиш бўйича тавсиялар олган. Фермер агрономлар билан маслаҳатлашмасдан, тавсия этилган препаратлар ёрдамида далага ишлов берган. Эртасигаёқ кунжут кўчатлари ҳам, бегона ўтлар ҳам қуриб, нобуд бўла бошлаган.

Интернет хабарлари асосида
Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Жорий йилнинг 16 — 18 август кунлари Тошкент шаҳрида «Uz Global Think» ватандошлар халқаро форуми бўлиб ўтади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 19 387 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегматов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6